

А Ж Р И М

(ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиши тўғрисида)

2020 йил июль ойининг 2 кунги жиноят ишлари бўйича Касби туман судининг биносида, очик суд мажлисида, шу суд раиси М.Очилованинг раислигида, судья ёрдамчиси Ш.У. [REDACTED] ддиқовнинг котиблигида, Касби туман прокурори ёрдамчиси Ш.У. [REDACTED] айбланувчи [REDACTED] ва унинг ҳи [REDACTED] и-адвокат А.Ходжаев, жабрланувчи [REDACTED] нинг иштирокида,

[REDACTED] - 1990 йил 5 сентябрда Касби туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, судланмаган, вақтинча ишсиз, бўйдоқ, Касби тумани “ [REDACTED] ” МФЙ “ [REDACTED] ” қишлоғи 37-уйда яшайди, эҳтиёт чораси сифатида гаров қўлланилган,

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 109-моддасининг 2-қисми билан судланувчига оид 1-1807-2001/39-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Дастлабки тергов органи ҳужжатларига кўра, [REDACTED] 2020 йил 15 апрель куни соат 13ларда Касби тумани “ [REDACTED] ” МФЙ “ [REDACTED] ” қишлоғида яшовчи қўшниси [REDACTED] билан яшаш уйи яқинидан ўтган йўл сабаб тортишиб, жанжаллашиб қолиб, жанжал вақтида кўлида бўлган ошхона пичоғи билан [REDACTED] нинг ўнг думба соҳасига қасддан бир маротаба санчиб олиб, соғлиғининг олти кундан ортик, аммо йигирма бир кундан кўп бўлмаган муддатга бузилишига олиб келган енгил тан жароҳати етказган.

Судда айбланувчи [REDACTED] ва жабрланувчи [REDACTED] ариза билан мурожаат қилишиб, жиноят ишини ярашганликлари муносабати билан тугатишни сўрашган.

Айбланувчи [REDACTED] судда, ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, айбига ўз ихтиёри билан тўлиқ иқрор эканлиги, қилмишидан пушаймонлиги, содир этган қилмишининг оқибатларини англаганлиги, жабрланувчига етказилган зарарни тўлиқ қоплаганлиги, ҳозирда жабрланувчи билан бирон-бир тазйиксиз ярашиб олганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Жабрланувчи [REDACTED] судда, ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, [REDACTED] га нисбатан даъвоси йўқлиги, етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги, аризани ўз хоҳиши билан ёзганлиги, бирон-бир тазйик бўлмаганлиги, ЖПК 583-моддаси талаблари бўйича ҳуқуқий оқибатларни тушунганлигини баён қилиб, [REDACTED] га оид жиноят ишини тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ЖК 109-моддасининг 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган



зарарни бартараф этса, ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликда равақатлиги мумкин.

Суд, жабрланувчи [REDACTED] ҳамда айбланувчи [REDACTED] нинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши хужжатлари билан ўрганиб, Касби туман прокурори ёрдамида Ш.Узоқов ва химоячи-адвокат А.Ходжаевларнинг жиноят иши ярашилганлик муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрларини эшитиб, [REDACTED] нинг айбига ихтиёрий иқдорлиги ва етказилган зарар тўлиқ қопроқлиги, жабрланувчи ва айбланувчига бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув айбланувчи ва жабрланувчининг хоҳишлари билан бўлаётганлигини, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ЖК 109-моддасининг 2-қисмида назарда тутилган жиноят ЖК 66¹-моддасига мувофиқ, ярашув таъсир доирасига тушишини инобатга олиб, [REDACTED] га нисбатан юритилган жиноят ишини ярашилганлик муносабати билан тугатишни, [REDACTED] га қўлланилган гаров эҳтиёт чораси бекор қилишни ва гаров пули 4.600.000 сўмни жабрланувчи [REDACTED] фойдасига ундиришни лозим топди.

Бундан ташқари суд, ашёвий далил “Адидас” ёзувли эркаклар трикосини жабрланувчи [REDACTED] га қайтаришни, бир дона кичик ҳажмли даста қисми елим бўлган пичоқни йўқ қилишни лозим топди.

Шу билан бирга, суд жабрланувчи [REDACTED] Ўзбекистон Республикаси ЖК 583-моддасининг 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқланганидан сўнг, у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 84-моддасининг 4-қисми, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд,

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 109-моддасининг 2-қисми билан айбланувчи [REDACTED] га нисбатан жиноят иши ярашилганлиги муносабати билан тугатилсин.

[REDACTED] га қўлланилган гаров эҳтиёт чораси бекор қилинсин ва гаров пули 4.600.000 сўм жабрланувчи [REDACTED] фойдасига ундирилсин.

Ашёвий далил “Адидас” ёзувли эркаклар трикосини жабрланувчи [REDACTED] га қайтарилсин.

Бир дона кичик ҳажмли даста қисми елим бўлган пичоқ йўқ қилинсин.

Жабрланувчи [REDACTED] га мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқолганлиги тушунтирилсин.

Ажрим устидан ўн сутка ичида шу суд орқали жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилоят судига апелляция тартибида хусусий шикоят берилиши ёки протест билдирилиши мумкин.

Раислик қилувчи

М.Очилова

